

5/2022,
sentyabr-
oktyabr
(№ 00061)



БУХОРО ВИЛОЯТИДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИ 2022– 2026 ЙИЛЛАРДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Нарзиев Мирфайз Махмуджонович

Бухоро давлат университети таянч докторанти. Бухоро, Ўзбекистон.

narziev86@mail.ru

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss5/a39

Аннотация

Мақолада Бухоро вилоятида 2022–2026 йилларда туризм соҳасини янада ривожлантириш бўйича режалаштирилган чора-тадбирлар ва уларни амалга ошириш йўллари ёритилган. Шу билан бирга, вилоят учун туризмнинг истиқболли йўналиши сифатида гастрономик туризмнинг кластер доирасида 2022–2026 йилларда ривожланиш прогноз параметрлари келтирилган.

Калит сўзлар: замонавий туризм инфратузилмаси, мавсумийлик, “Street Food” гастрономик кўчаси, прогноз параметрлари, сайёҳлар оқими.

Аннотация

В статье описаны планируемые меры по дальнейшему развитию индустрии туризма Бухарской области на 2022–2026 годы и пути их реализации. При этом приведены прогнозные параметры развития на 2022–2026 годы в рамках кластера гастрономического туризма как перспективного направления туризма для региона.

Ключевые слова: современная туристическая инфраструктура, сезонность, гастрономическая улица «Street Food», прогнозные параметры, поток туристов.

Abstract

The article describes the planned measures for the further development of the tourism industry in Bukhara region in 2022–2026 and the ways of their implementation. At the same time, the development forecast parameters for 2022–2026 within the cluster of gastronomic tourism as a promising direction of tourism for the region are given.

Keywords: modern tourism infrastructure, seasonality, "Street Food" gastronomic street, forecast parameters, flow of tourists.

Кириш

Бухоро вилоятида туризм соҳаси кенг ривожланган бўлиб, аҳолини иш билан таъминлаш, бюджетга тушумларни ошириш ва вилоятнинг туристик салоҳиятини бутун дунёга тарғиб этиш бўйича ишлар жадал олиб борилмоқда. Лекин пандемия даврида вилоятнинг туризм соҳаси анча зарар кўриб, сайёҳлар оқими кескин камайди. Бунинг олдини олиш ва соҳани қайта тиклаш бўйича ҳукуратимиз томонидан тезкорлик билан бир қатор қарор ва қонунлар қабул қилиниб, амалиётда ўз аксини топмоқда.

Ушбу тадқиқотнинг мақсади ва вазифаси сифатида пандемиядан кейинги даврда, туризмнинг истиқболли йўналишларидан бири сифатида Бухоро вилоятида гастрономик туризмни кластер ёндашуви асосида ривожлантириш ва унинг 2022–2026 йилларда ривожланиш прогноз параметрларини келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 28 сентябрдаги “2022–2026 йилларда Бухоро вилоятида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 543-сонли Қарори [1] қабул қилинган бўлиб, унда 2022–2026 йилларда Бухоро вилоятида турли мулкчилик шаклидаги 255 та меҳмонхона барпо этиш, 60 та янги туризм маршрутларини ташкил этиш орқали хорижий ва маҳаллий туристлар сонини 5 млн. нафарга, экспорт ҳажминини 600 млн. АҚШ долларига етказиш назарда тутилган.

Янги туристик йўналишлар сифатида қуйидагилар белгиланиб, амалда тадбиқ этиш бўйича жадал ишлар олиб борилмоқда:

✓ Бухоро вилояти Қорақўл туманидаги “Қадимги Пойкент” археология мероси объектини муҳофаза қилиш ҳамда Бухоро давлат музей-қўриқхонаси филиали “Қадимий Пойкент шаҳарчаси тарихи музейи” негизида очиқ осмон остидаги музей ташкил этиш;

✓ Бухоро шаҳар И.Каримов кўчасида “Street Food” гастрономик кўчасини ташкил этиш;

✓ “Арк қўрғони”нинг бундан 100 йил олдин вайрон қилинган қисмларининг пойдевор қисминини олиб, археологик парк-музейга айлантириш;

✓ улуғ аллома Абу Али ибн Сино туғилиб ўсган Афшона қишлоғини туризм шаҳарчасига айлантириш;

✓ “Бухоро ихтисослаштирилган жайрон питомниги”ни 2022–2026 йиллар давомида замонавий туристик объектга айлантириш;

✓ Бухоро шаҳрида энг замонавий жиҳозланган тарих музейини ташкил этиш ва унда вилоятда мавжуд 130 мингдан зиёд экспонатдан, Бухоро тарихининг энг ноёб дурдоналарини жойлаштириш.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Ҳозирги кунда гастрономик туризмни ривожлантириш учун, гастрономик туризм кўчасини ташкил қилиш ва у ерда маҳаллий, хорижий таом ҳамда пишириқларни пишириб, сайёҳларга тақдим қилиш кенг тус олмақда. Бухоро шаҳрида ҳам “Street Food” гастрономик кўчасини ташкил этиш режалаштирилган. Гастрономик туризм кўчасига берилган таъриф ва адабиётлар таҳлилини кўриб чиқадиган бўлсак:

Гастрономик туризм кўчаси – бу, оддий маршрутга эга бўлган узун кўча бўлиб, унда ҳордиқ чиқариш жойлари ва сайёҳларнинг қулайлиги учун барча зарурий инфратузилманинг мавжудлиги, савдо павильонлари, ресторан ва кафелар, велосипедлар учун махсус йўлаклар, диққатга сазовор жойлар ва кўчанинг навигация тизимидан иборат бўлиши лозим [2].

Кирсанова В.В., Ревякин С.А. соҳил бўйидаги пляжларда гастрономик туризм кўчаларини ташкил этишни ўрганган бўлиб, у ердаги ҳордиқ чиқариш жойлари ва хавфсизлик масалаларига катта эътибор қаратганлар. Бундай туристик кўчалар пляж туризми ривожланган барча давлатларда мавжуддир.

Гастрономик туризм кўчаси – бу, барча йирик шаҳарларда мавжуд бўлиб, маҳаллий ва хорижий сайёҳлар у ерга ишлаш, савдолашиш, овқатланиш ва ҳордиқ чиқариш учун борадилар. Бундай кўча икки қисмдан иборат бўлиб, кўчанинг ўзи ва туристик дестинацияларда бизнесни такомиллаштириш ташкилотидан (Business Improvement Areas, BIAs) иборат бўлади. Бундай ташкилот туристик кўчада туристик субъектларни жалб қилиб, бизнесни йўлга қўйиш, бошқариш, хизмат кўрсатиш сифатини назорат қилиш, сайёҳлар оқимини кўпайтириш, турли хил гастрономик туристик фестивал ва кўргазмалар ташкил қилади. Туристик кўчани ташкил қилишнинг бундай концепцияси Торонто, Канадада дастлаб қўлланилган бўлиб, ҳозирда бундай ташкилий тузилма бутун дунё туризм кўчаларида амал қилмоқда [3].

Natasha Francis, Tom Griffin, Walter Jamieson гастрономик туризм кўчасини ташкил қилишнинг ташкилий-иқтисодий масалаларини ёритиб, туристик кўчани ташкил қилиш учун туристик дестинация ва уни бошқарувчи ташкилот ўртасида бўлиб ўтадиган муносабатларни таҳлил қилган. Бундай туристик кўчалар асосан АҚШ ва Европада кенг тарқалгандир.

Гастрономик туризм кўчаси – бу, сайёҳларнинг талабини қондирадиган замонавий инфратузилма ва хизматлардан ташкил топган бўлиб, туризм кўчасига сайёҳларнинг сонини ошириш ва уларнинг ташрифини мазмунлироқ бўлишига ўз ҳиссасини қўшади [4].

Marly Valenti Patandianan, Hiroyuki Shibusawa ўз илмий тадқиқотларда асосан гастрономик туризм кўчасидаги транспорт масалалари, пиёдалар учун йўлаклар, автотураргоҳлар, у ердаги шовқин ва туристлар оқимининг маҳаллий аҳолига зарарини бартараф этиш масалаларига тўхталган.

Бизнинг фикримизча, гастрономик туризм кўчаси – бу, маълум бир ҳудудда жойлашган, сайёҳлар учун барча замонавий инфратузилма ва қулайликларга эга бўлган, давлатнинг миллий таомлари, маданияти, санъати ва урф-одатлари билан танишиш имконини берадиган туристик объектдир.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида гастрономик туризм соҳасини ривожлантиришнинг халқаро тажрибалари бўйича кузатиш, математик моделлар, қиёсий таҳлил ва махсус сўровнома ўтказиш каби усуллардан самарали фойдаланилди.

Инерцион ва оптимистик прогнозлар асосида Бухоро вилояти “Гастрономик туризми кластери”нинг 2022–2026 йилларда ривожланиш прогноз параметрлари ишлаб чиқилди. Унга кўра, 2022–2026 йилларда сайёҳлар оқими кластер ташкил қилиш натижасида кластер бўлмаган шароитига нисбатан 117 043 киши (19,9 фоиз)га ошиши илмий асосланди. Булардан мамлакатимизда туристик кластерлар самарадорлигини ва рақобатбардошлигини ошириш юзасидан ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда кенг фойдаланиш тавсия қилинган.

Таҳлил ва натижалар

Бухоро вилояти Статистика бошқармаси ҳамда Туризм ва маданий мерос бош бошқармасининг маълумотларига кўра, 2010–2021 йиллар давомида Бухоро вилоятига хорижий ва маҳаллий сайёҳлар оқими йил сайин ошиб бораётгани кузатилиб, хусусан,

2019, 2018 va 2021 йилларда энг кўп сайёҳларнинг ташрифи қайд этилган (1-жадвал). 2019 йилда жами 3 640 918 сайёҳ, бундан, хорижий туристлар 603 084 (16,6%) киши, маҳаллий туристлар эса 3 037 834 (83,4%) кишини ташкил қилган. 2018 йилда бўлса жами 2 512 038 сайёҳ, бундан, хорижий туристлар 301 538 (12%) киши, маҳаллий туристлар эса 2 210 500 (88%) кишини ташкил қилган. 2021 йил пандемиядан кейинги тикланиш йили ҳисобланиб, ҳукуратимизнинг туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириши натижасида, жами 2 265 389 сайёҳ, бундан, хорижий туристлар 48 924 (2,2%) киши, маҳаллий туристлар эса 2 216 465 (97,8%) кишини ташкил қилган.

1-жадвал

Бухоро вилоятига ташриф буюрган туристлар ҳақида маълумот¹

Йиллар	Ташриф буюрган жами туристлар сони, киши	Хорижий туристлар сони, киши ва фоизда	Маҳаллий туристлар сони, киши ва фоизда
2010 йил	680 455	111 550 (16,4 %)	568 905 (83,6 %)
2011 йил	980 746	158 404 (16,2 %)	822 342 (83,8 %)
2012 йил	994 077	160 335 (16,1 %)	833 742 (83,9 %)
2013 йил	1 123 307	181 179 (16,1 %)	942 128 (83,9 %)
2014 йил	1 205 642	194 458 (16,1 %)	1 011 184 (83,9 %)
2015 йил	1 292 486	208 465 (16,1 %)	1 084 021 (83,9 %)
2016 йил	1 307 893	210 950 (16,1 %)	1 096 943 (83,9 %)
2017 йил	1 269 965	169 617 (13,6 %)	1 100 348 (86,6 %)
2018 йил	2 512 038	301 538 (12,0 %)	2 210 500 (88,0 %)
2019 йил	3 640 918	603 084 (16,6 %)	3 037 834 (83,4 %)
2020 йил	249 927	13 325 (5,3 %)	236 602 (94,7 %)
2021 йил	2 265 389	48 924 (2,2 %)	2 216 465 (97,8 %)

Жорий даврдаги туристлар оқими (Q_t) ўзгаришига таъсир кўрсатувчи факторлар сифатида Q_{t-1} – олдинги даврда келган туристлар сони, I – ҳар бир аҳолига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот, UNS – ЮНЕСКО рўйхатидаги объектлар сони, TYS – олдинги 5 йил давомида ҳудудда бўлган терроризм, юқумли касаллик тарқалиши ва глобал сиёсий муаммолар, KE – курорт, экскурсион, тоғларда дам олиш, VS – давлатнинг виза сиёсатини олишимиз мумкин. Унинг функция кўриниши қуйидагича:

$$Q_t = e^{\alpha} \cdot Q_{t-1}^{\gamma_1} \cdot I^{\gamma_2} \cdot e^{\gamma_3 \cdot UNS} \cdot e^{\gamma_4 \cdot YYS} \cdot e^{\gamma_5 \cdot KE} \cdot e^{\gamma_6 \cdot VS}$$

Бу функцияни қуйидаги кўринишда ҳам ифодалаб олиш мумкин.

$$\ln Q_t = \alpha + \gamma_1 \ln Q_{t-1} + \gamma_2 \ln I + \gamma_3 UNS + \gamma_4 YYS + \gamma_5 KE + \gamma_6 VS$$

Туристлар оқими таъсир кўрсатувчи яна бошқа кўпгина омиллар ҳам мавжуддир. Жумладан, валюта сиёсатини айтиш мумкин. Бу омиллар биз танлаб олинган омиллар билан юқори боғлиқликга эга (яъни мултиколлиенар) бўлгани учун туристлар оқими таъсир қилувчи омиллар сифатида олинмади. Натижада туристлар оқими таъсир этувчи омиллар ёрдамида аниқланган регрессия тенгламасининг кўриниши қуйидагича:

$$Y = -11,952 + 0,8193X_1 + 0,558X_2 + 0,6315X_3 - 2,8018X_4 + 0,12X_5 + 0,312X_6$$

Бу моделдан шундай хулосага келиш мумкинки, X_1 ни бир бирликка ортиши Y ни ўртача 0,8193 бирликка ортишига; X_2 ни бир бирликка ортиши Y ни ўртача 0,558 бирликка ортишига; X_3 ни бир бирликка ортиши Y ни ўртача 0,6315 бирликка ортишига; X_4 ни бир бирликка ортиши Y ни ўртача 2,8018 бирликка камайишига; X_5 ни бир бирликка ортиши Y ни ўртача 0,12 бирликка ортишига; X_6 ни бир бирликка ортиши Y ни ўртача 0,312 бирликка ортишига олиб келар экан.

Туристлар оқимига таъсир кўрсатувчи факторларнинг жуфтлик корреляция коэффициентлар матрицаси жадвалидаги ҳисобларни келтирамиз (2-жадвал).

2-жадвал

Туристлар оқимига таъсир кўрсатувчи факторларнинг жуфтлик корреляция коэффициентлар матрицаси жадвалидаги ҳисоблар²

-	y	x_1	x_2	x_3	x_4	x_5	x_6
y	1	0.5423	0.628	0.6729	-0.6477	0.7695	0.7478
x_1		1	0.1563	-0.5025	-0.1094	-0.05948	0.2502
x_2			1	0.2946	0.1248	0.5622	0.4718
x_3				1	0.6742	0.5333	0.3568
x_4					1	0.5636	0.5292
x_5						1	0.4391
x_6							1

Бу жадвал маълумотларидан 6 та ўзгарувчининг мультиколлиенар эмаслигини кўришимиз ҳам мумкин. Ҳамда юқорида таклиф этаётган регрессия тенгламасини ишончлигини белгилашимиз учун унинг корреляция коэффициенти ва ўртача хатоликни аниқлашимиз зарур ҳисобланади. Бунинг учун қуйидаги жадвалдаги ҳисобларни келтирамиз (3-жадвал).

3-жадвал

Регрессия тенгламасини ишончлигини белгилаш учун унинг корреляция коэффициенти ва ўртача хатолик ҳисоби³

Y	$Y(x)$	$\epsilon = Y - Y(x)$	ϵ^2	$(Y - Y_{cp})^2$	$ \epsilon : Y $
13,4	13,45	-0,0495	0,00245	0,37	0,0037
13,8	13,561	0,239	0,0571	0,0434	0,0173
13,8	13,945	-0,145	0,0209	0,00434	0,0105
13,9	13,945	-0,0447	0,00199	0,0117	0,00321
14	13,962	0,0376	0,00141	0,00007	0,00268
14,1	14,1	-0,000146	0	0,0084	0,00001
14,1	14,137	-0,0374	0,0014	0,0084	0,00265
14,2	14,461	-0,261	0,0679	0,0367	0,0184
14,7	14,554	0,146	0,0214	0,478	0,00995
15,1	14,986	0,114	0,0131	1,192	0,00757
12,4	12,4	0	0	2,587	0
14,6	14,6	0	0	0,35	0
			0,188	5,129	0,0759

² Манба: Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

³ Манба: Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Корреляция коэффициентини аниқлаймиз.

$$R = \sqrt{1 - \frac{s_e^2}{\sum(y_i - \bar{y})^2}} = \sqrt{1 - \frac{0,188}{5,13}} = 0,9815$$

Бундан кўринадикки биз танлаган Y нинг қиймати X_i ларнинг қиймати билан юқори даражада боғланишга эга бўлиб, тўғри танлангани кўрсатади.

Унинг ўртача хатолиги қуйидагича аниқланади.

$$A = \frac{\sum|\epsilon:Y|}{n} \cdot 100\% = \frac{0,0759}{12} \cdot 100\% = 0,63\%$$

Бу хатоликни жуда ҳам кичик қийматда эканлигидан регрессия тенгламаси тўғри танлангани кўрсатади.

Статистик маълумотларда Бухоро вилоятига гастрономик туризм мақсадида келган сайёҳлар ҳисоботи аниқ юритилмаган бўлиб, бу кўрсаткични тахминан аниқлаш мақсадида соҳа экспертлари, яъни 30 та туроператор, турагент ва меҳмонхона ходимлари, 10 та Бухоро вилояти Туризм ва маданий мерос бош бошқармасининг экспертлари ва 10 та соҳа олимларининг фикри сўровнома ўтказиш орқали аниқланди. Сўровномада жами 50 та респондент иштирок этиб, уларга “2010–2021 йиллар давомида Бухоро вилоятига ташриф буюрувчи туристларнинг тахминан нечи фоизи гастрономик мақсадда келган?” деган савол билан мурожаат қилинди. Сўровнома натижалари қуйидаги жадвалда келтирилган (4-жадвал).

4-жадвал

2010-2021-йиллар давомида Бухоро вилоятига гастрономик мақсадда келган сайёҳлар ҳақида маълумот йиғиш бўйича ўтказилган сўровнома натижалари⁴


№	Респондентлар	Респондентларнинг жавоблари
1.	30 та туроператор, турагент ва меҳмонхона ходимларининг фикри	10-12%
2.	10 та Бухоро вилояти Туризм ва маданий мерос бош бошқармасининг экспертларининг фикри	11-12%
3.	10 та соҳа олимларининг фикри	10-12%

Юқорида ташриф буюрадиган жами туристлар оқимини аниқлайдиган модель ёрдамида 2022 йил учун бу прогноз ҳисобини келтириб ўтамыз.

$$Q_{2022} = e^{-11,952} \cdot 2265389^{0,8193} \cdot 2123,8^{0,558} \cdot e^{0,6315 \cdot 20} \cdot e^{-2,8018 \cdot 1} \cdot e^{0,12 \cdot 2} \cdot e^{0,312 \cdot 1} = 2\,520\,379$$

Бухоро вилоятига гастрономик мақсадда келган сайёҳлар ҳақида маълумот йиғиш бўйича ўтказилган сўровнома натижаларига кўра респондентларнинг жавоблари 12 фоизни ташкил этган. Демак ўртача ҳисобда 12 фоизни ташкил этадиган бўлса, 2022 йилда гастрономик мақсадда келадиган сайёҳлар сони (2520379 · 12%) 302 445 кишини ташкил этади.

Кластер доирасида ташриф буюрадиган гастрономик туристлар сони гастрономик мақсадда ташриф буюрадиган туристлар сонидан 20 фоиз ортиқ келади деб баҳоланиб, 2022-йилда уларнинг сони (302 445 · 120%) 362 934 кишини ташкил қилади. Худди шу ҳисоб тартибда қолган йиллар прогнозини ҳам келтириб ўтамыз (1-расм).



1-расм. Бухоро вилоятига ташриф буюрувчи туристлар сонининг прогноз маълумоти⁵

Расм маълумотларидан кўриш мумкинки, Агар 2022 йилда ташриф буюрувчи туристлар сони 362 934 кишини ташкил қилган бўлса, 2026 йилда уларнинг сони 702 259 киши бўлиши кутилмоқда. Прогноз маълумотларига кўра, кластер таъсирида 2022 йилдан 2026 йилгача бўлган даврда туристлар оқимининг ўртача ошиб бориши 67 865 кишини ташкил қилган.

Хулоса ва таклифлар

1. Бухоро вилоятида туризм соҳасини 2022–2026 йилларда ривожлантиришнинг йўнашлишлари бўлиб, янги музейларни ташкил этиш, зиёрат ва гастрономик туризм соҳаларини кластер усулида такшил этиш мақсадга мувофиқ бўлади;

2. Туркий давлатлар ташкилоти билан ҳамкорлик доирасида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган «Табаррук зиёрат» туризмни кенг оммага тарқатиш мақсадида унинг бир неча тилларда онлайн платформаси ва мобил иловасини яратиш лозимдир;

3. Инерцион ва оптимистик прогнозлар асосида Бухоро вилояти “Гастрономик туризми кластери”нинг 2022–2026 йилларда ривожланиш прогноз параметрлари ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра, сайёҳлар оқими кластер ташкил қилиш натижасида кластер бўлмаган шароитига нисбатан 117 043 киши (19,9 фоиз)га ошиши илмий асосланди. Сайёҳлар оқимининг ошиши, туризм соҳасини ялпи ҳудудий маҳсулотдаги (ЯҲМ) улушини ошишига хизмат қилади ҳамда ҳудудларда туризмга ёндош соҳалар ва иқтисодий тармоқларини комплекс ривожлантириш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 28 сентябрдаги “2022–2026 йилларда Бухоро вилоятида туризм соҳасини янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида”ги 543-сонли Қарори <https://lex.uz/docs/6212874>

2. Кирсанова В.В., Ревякин С.А. Феномен туристической улицы. International Scientific Review of the Problems and Prospects of Modern Science and Education, LXXIX international correspondence scientific and practical conference materials, 2021, p. 46.

3. Natasha Francis, Tom Griffin, Walter Jamieson, “The Role of Tourism and the Visitor Economy in Main Street Recovery and Revitalization” (2022), Travel and Tourism Research Association: Advancing Tourism Research Globally, p. 45.

4. Marly Valenti Patandianan, Hiroyuki Shibusawa, Importance and performance of streetscapes at a tourism destination in Indonesia: The residents’ perspectives. Frontiers of Architectural Research, p. 642-643.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 июлдаги “Туркий давлатлар билан туризм соҳасидаги ҳамкорликни жадал ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПҚ–338-сонли Қарори: <https://lex.uz/docs/6137065>

6. Россия Федерацияси Ҳукуматининг 2019 йил 20 сентябрда “Россия Федерациясида 2035 йилгача бўлган даврда туризмни ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги № 2129-р сонли Фармони: <http://government.ru/docs/37906/>

7. Қозоғистон Республикаси Ҳукуматининг 2019 йил 31 майда “2019-2025 йилларда Қозоғистон Республикасининг туризм соҳасини ривожлантириш бўйича Давлат дастури тўғрисида”ги № 360-сонли Фармони: https://strategy2050.kz/ru/state_programs/-2019-2025-/